



САМГМИ




МИН ВУЗ
РЕСПУБЛИКИ
УЗБЕКИСТАН



МИНЗДРАВ
РЕСПУБЛИКИ
УЗБЕКИСТАН



КАФЕДРА
ПЕДАГОГИКИ И
ПСИХОЛОГИИ



**СБОРНИК
тезисов
Международной
конференции**

**Педагогические и лингво-
психологические
особенности развития,
формирования и
становления личности врача**

**САМАРКАНД
5 МАЯ 2021 ГОД**

**Министерство Здравоохранения Республики Узбекистан
Министерство высшего и среднего специального образования Республики
Узбекистан**

Самаркандский государственный медицинский институт

Кафедра педагогики и психологии



**ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ И ЛИНГВОПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ
ОСОБЕННОСТИ РАЗВИТИЯ, ФОРМИРОВАНИЯ И
СТАНОВЛЕНИЯ ЛИЧНОСТИ ВРАЧА**

МАТЕРИАЛЫ

международной научной конференции

(Самарканд, 5 мая 2021 г.)

Под ред. РИЗАЕВА Ж.А.

Самарканд - 2021

**«Педагогические и психолингвистические особенности развития,
формирования и становления личности врача»**

“Тез юрар” ўтилган машғулотлардаги назарий ва амалий янгиликлар доимо такрорланиб тургандагина бўлажак кадрларларнинг хотирасига мухрланиб қолади.

“Тез юрар” методида ўтилган ва аввал ўтилган мавзулар доимо такрорланади. Бу такрор фақат қонда айтиш, ёд олиш асосда кўрилмасдан, мантиқий фикрлаш, идрок этиш, мулоҳаза қилиш, хулоса чиқариш, фикрни жамлаш асосидаги жавоблар асосда кўрилади. Биз тавсия этаётган мазкур методда асосий эътибор бўлажак кадрлар томонидан қондани айтишдан чекинган ҳолдаги назарий маълумотларнинг амалий томонини акс эттирувчи мантиқий саволлар тузиш ёки унга жавоб беришдан иборатдир.

Бўлажак кадрларларни ижодий ва мустақил фикр юритишга ҳамда нутқий фаолликка ундовчи методлардан бири бу “Фикрни давом эттириш” усули ҳисобланади. Мавзу доирасида қандайдир фикр билдириш талаб этилади. Бу усул уларни мустақил фикрлашга, тезкор мушоҳадага ва ифода имкониятининг кенгайишига ижобий таъсир этади. Шунингдек,

“Хотира машқи” усули бўлажак кадрларларнинг хотирасини мустаҳкамлашга, теран фикрлашга, аниқ ва раво сўзлашга ўргатади. Бу усулни қўллашдан аввал бўлажак кадрларлар кичик гуруҳларга ажратилади ва беллашув ўтказилиши айтилади, унда тезкорлик, хотира ва билимдонлик талаб этилиши таъкидланади. Талабалар белгиланган вақт оралигида ёдида қолган сўзларни ёзув тахтасида ёзадилар, унутиб қолдирилган сўзларни гуруҳ аъзолари тўлдирадилар ва уларга изоҳ бериб, мисоллар келтирадилар. Қайси гуруҳ аъзоларининг хотираси ва жавоблари яхши бўлса, ўша гуруҳ ғолиб бўлади.

Хулосалар: Бу методларда бўлажак кадрлар ўз билимини ўзи аниқлайди, ўзини ўзи баҳолайди. Яъни билими қай даражада эканлигига ташҳис қўйилади ва кейинги янги мавзу баҳсида шу ташҳис асосида уларга билим берилади. Бу методни ўтказиш учун бўлажак кадрларларга бериладиган саволлар: тушунарли ва аниқ бўлиши; қисқа, аниқ жавоб талаб қилувчи бўлиши; жавоби “ҳа” ва “йўқ” сўзлар билан келмаслиги; саволлар китобий бўлмасдан амалиётдан олинган бўлиши; янги ва эски ўтилган мавзулар бўйича тайёрланиши, ҳамда бўлажак кадрларларни мушоҳада асосида жавоб беришларини

**ШАХСНИНГ КАСБИЙ ШАКЛЛАНИШИДА КАСБИЙ ДУНЁҚАРАШНИ
ШАКЛЛАНТИРИШ**

Исламова М.Ш.

Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти, Чирчиқ, Ўзбекистон

Кириш: дунёқараш – таълим олувчиларнинг дунёга ва инсоннинг ундаги ўрнига, ўз атрофидаги воқеликка ва ўз-ўзига муносабатига бўлган умумий қарашлар тизими шунингдек, бу қарашларга асосланган эътиқодлари, идеаллари, билиш ва фаолият тамойиллари деб изоҳланади. Шундай экан, касбий дунёқараш - бу шахснинг касбий ривожланишига, ҳаёт давомида ўрганишга тайёрликнинг шаклланишига, ўз-ўзини ташкил қилиш қобилиятига ва меҳнат бозорида рақобатбардошликка таъсир кўрсатадиган махсус билимлар, қиймат йўналишлари, тамойиллари, баҳолари ва эътиқодлари тўпламидир.

Тадқиқот методлари ва материаллар:

Шахсда миллий дунёқараш изчил, тизимли, узлуксиз ҳамда мақсадга мувофиқ ташкил этилаётган таълим-тарбиянинг йўлга қўйилиши, унинг турли йўналиш ва мазмундаги ижтимоий муносабатлар жараёнида фаол иштирок этиши, шунингдек, ўз-ўзини тарбиялаб бориши натижасида шаклланади.

Касбий дунёқараш интеллектуал билимлар асосида, ўз-ўзидан, кундалик тажриба асосида ёки ҳар хил дунёқарашларнинг ўзаро таъсири натижасида ёки онгли равишда фундаментал ғоялар, ғоялар, тамойилларни назарий ривожлантириш орқали шаклланиши мумкин. Касбий дунёқарашни шаклантиришнинг самарадорлиги эса инсоннинг меҳнат жараёни ва ўзининг муйаян касбга мойиллиги, иқтидори, қизиқиши, қобилиятлари ҳақида хабардорлигининг кенглиги ва чуқурлиги билан белгиланади.

Шахс дунёқарашини шаклантириш узоқ муддатли, динамик хусусиятга эга мураккаб

**« Педагогические и психолингвистические особенности развития,
формирования и становления личности врача»**

жараён саналади. Дунёқарашлар негизида эътиқод шаклланади. Эътиқод дунёқараш негизида акс этувчи ижтимоий- фалсафий, табиий, иқтисодий, ҳуқуқий, маънавий-ахлоқий, эстетик ҳамда экологик билимларнинг такомиллашган кўринишидир.

Муайян ғояга чексиз ишонч бўлиб, унинг шаклланиши бир неча босқичда кечади. Биринчи босқичда улар беқарор ва вазият тақозосига кўра ўзгарувчанлик хусусиятини касб этади. Иккинчи босқичда маънавий-ахлоқий қарашларнинг барқарор тамойилларига айланади. Мавжуд талаб, жамият томонидан тан олинган ахлоқий қоидалардан четга чиқиш қийин, зиддиятли вазиятларда онгли ҳаракатни ташкил этиш, иродавий сифатларга таянган ҳолда иш кўриш тақозо этилади. Учинчи босқичда, эътиқод барча вазиятларда ҳам устувор маънавий-ахлоқий тамойил бўлиб қолади. Талаба томонидан ўзлаштирилган илмий билимлар ҳаётий муносабатлар жараёнида кенг қўлланилганда, уларнинг асл моҳияти чуқур хис қилинган ва анлангандагина эътиқодга айланади.

Педагог-психологларнинг кўрсатишича, шахсда дунёқараш изчил, тизимли, узлуксиз ҳамда мақсадга мувофиқ ташкил этилаётган таълим-тарбиянинг йўлга қўйилиши, унинг турли йўналиш ва мазмундаги ижтимоий муносабатлар жараёнида фаол иштирок этиши, шунингдек, ўз-ўзини тарбиялаб бориши натижасида шаклланади.

Натижалар: жаҳон андозаларига мос юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш кўп жиҳатдан олий таълимнинг барқарор ривожланишига ҳамда уни таъминловчи педагог кадрларни тайёрлаш билан боғлиқдир. Бу ўз навбатида бу ўқув жараёнини илғор педагогик технологиялар талаби асосида ташкил қилиш орқали амалга ошириш, бўлажак кадрларда миллий дунёқарашни такомиллаштиришни тақозо қилади. Шу мақсадда олиб борилган таҳлилий изланишлар олий таълим муассасаларида бўлажак кадрларда касбий дунёқарашни такомиллаштириш муҳим аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади.

Хулосалар: демак, ушбу ҳолат, таълим жараёнини бозор иқтисодиёти талабларини инобатга олган ҳолда ташкил этиш, унга тегишли ўқитиш технологияларни жорий қилиш, таълим мазмунини доимий равишда янгилаб боришга қаратилган методик таъминотни такомиллаштириш заруратини келтириб чиқаради. Бўлажак кадрларни тайёрлашда замонавий ўқитиш технологиялари билан узвийликда баркамол шахс тарбиясининг муҳим таркибий қисми ҳисобланган касбий дунёқарашни ривожлантириш ва уни педагогик нуқтан назардан тадқиқ қилиш ҳамда уни янги сифат босқичига олиб чиқишга қаратилганлиги билан долзарб ҳисобланади.

**СТОМАТОЛОГИЯ ФАНЛАРНИ ЎҚИТИШ ЖАРАЁНИДА ЗАМОНАВИЙ
ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ УСЛУБИНИ ТАДБИҚ ЭТИШ**

Исламова Н.Б., Ортикова Н.Х., Камариддинзода М.К.

Самарқанд давлат тиббиёт институти, Самарқанд, Ўзбекистон.

Кириш: мамлакатимиз тараққиётининг муҳим шарти кадрларни тайёрлаш тизимининг мукамал бўлиши, замонавий иқтисод, фан, маданият, техника ва технологиялар асосида ривожланиши ҳисобланади. Ҳозирги замонавий босқичда педагогик долзарб вазифаларга фан, техника, илғор технологиялар ютуқларидан фойдаланиш асосида шахсни тарбиялаш, ўқитиш ва ривожлантириш мақсадлари, мазмуни, методлари, воситалари ва ташкилий шакллари илмий таъминлаш киради. Кадрлар тайёрлаш соҳасидаги давлат сиёсати узлуксиз таълим тизимини орқали ҳар томонлама ривожланган шахс–фуқаронинг ташкил топишни кўзда тутаяди. У ушбу таълим тизимида ва кадрлар тайёрлашда таълим хизматларининг истеъмолчиси, буюртмачиси сифатида ва худди шундай ишлаб чиқарувчи сифатида иштирок этади. Шахс таълим жараёнининг ишлаб чиқарувчиси сифатида таълим, моддий ишлаб чиқариш, фан, маданият ва хизматлар соҳаси фаолиятида билиш ва тажрибаларни беришда иштирок этади. Республикамизда шахсга ўзининг ижодий имкониятларини амалга ошириш учун профессионал таълим дастурини танлаш ҳуқуқини берган. «Кадрлаш тайёрлаш миллий дастури» да олий таълимнинг асосий вазифалари

**«Педагогические и психолингвистические особенности развития,
формирования и становления личности врача»**

Исмоилова Г.А. ТАЛАБАЛАРНИНГ ЭКОЛОГИК МАДАНИЯТИНИ ИННОВАЦИОН УСУЛЛАРДА РИВОЖЛАНТИРИШ	146
Исроилов Қ.Т. БЎЛАЖАК КАДРЛАРЛАРНИ ИЖОДИЙ ВА МУСТАҚИЛ ФИКР ЮРИТИШГА ҲАМДА НУТҚИЙ ФАОЛЛИККА УНДОВЧИ МЕТОДЛАР	147
Исламова М.Ш. ШАҲСНИНГ КАСБИЙ ШАКЛЛАНИШИДА КАСБИЙ ДУНЁҚАРАШНИ ШАКЛЛАНТИРИШ	148
Исламова Н.Б., Ортикова Н.Х., Камариддинзода М.К. СТОМАТОЛОГИЯ ФАНЛАРНИ ЎҚИТИШ ЖАРАЁНИДА ЗАМОНАВИЙ ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ УСЛУБИНИ ТАДБИҚ ЭТИШ	149
Кузманова Г.Б. УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИДА МАТНЛИ МАСАЛАЛАРНИНГ ТАЪЛИМИЙ АҲАМИЯТИ	150
Кучкарова Ҳ.Ш. ҲОЛЕР – СЕРҚИРРА ИЖОДҚОР СИФАТИДА	151
Мамадиярова Д.У. ҲАР ХИЛ ТЕМПЕРАМЕНТГА ЭГА БЎЛГАН ТАЛАБАЛАРДА ЎЗЛАШТИРИШ КЎРСАТКИЧИНИ АНИҚЛАШ	152
Муратова Ш. ОИЛАДА ПСИХОЛОГИК-ИЖТИМОЙ ЕТУКЛИК ТУРЛАРИ	154
Муратова Ш. ЖАМИЯТДА ОИЛИНИНГ ИЖТИМОЙ-ПСИХОЛОГИК ЎРНИ	156
Мизомов Ш.С. РУҲИЙ ВА ЖИСМОНИЙ СОҒЛОМЛАШИШДА СПОРТНИНГ ЎРНИ	157
Музаффарова Ф.М. ЁШЛАРДА ДЕВИАНТ ХУЛҚ-АТВОР БЕЛГИЛАРИ АСОСИДА ЖИНОЯТЧИЛИК ПРОФИЛАКТИКАСИ	158
Мирзаева М.Ҳ. ОТМЛАРДА НОАНЪАНАВИЙ ТАЪЛИМ БЕРИШ МЕТОДЛАРИНИ АМАЛИЁТГА ЖОРИЙ ЭТИШ ОРҚАЛИ ЧЕТ ТИЛЛАРНИ ЎҚИТИШ СИФАТИНИ ЯХШИЛАШ	159
Матназарова К.О. ТАЛАБАЛАРНИНГ КАСБИЙ ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ИШБИЛАРМОНЛИК ЎЙИНЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ	161
Нуриддинова М.И. БОШЛАНГИЧ СИНОФ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИ ПЕДАГОГИК ВА ПСИХОЛОГИК РИВОЖЛАНТИРИШДА ИННОВАЦИОН ЖАРАЁНЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ	162
Нурматова М.Х. ЖАМОАДА РАҲБАРНИНГ МОТИВАЦИОН ХУСУСИЯТЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ	163
Нурбоев Қ. А., Каримов Р. ТАРИХ ФАНИНИ ЎҚИТИШ ПЕДОГОГИКАСИДАН АЙРИМ ЖИҲАТЛАР	164
Нормуродова Ж., Рўзибоева М. ЎҚУВЧИЛАРНИ ТАРБИЯЛАШДА ҚАДРИЯТЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ	164